

Уруш галаба билан тамомланиб, тинч курилишга ўтилгандан сўнг Ўзбекистон республикасининг ижтимоий сиёсий ва иктисодий хаётида халк хўжалик масалалари, ташкилий ва маданий окартув масалалари асосий ўринни олди. 1946-1947 йиллардаги Ўзбекистоннинг хамма жойида туман ва шахар фирка комиссиялари бўлиб ўтди. “СССР халк хўжалигини кайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўгрисилаги конун кабул килинганлиги муносабати билан фирка ташкилотларининг ташвикот-таргибот ишлари тўгрисида” собик иттифок комфиркаси марказкўмининг карорини амалга ошириш борасида ишлар кизитиб юборилди. Урушдан кейинги йилларда республика фирка ташкилотлари ва уларда аъзолар сонининг ўсиши кучайди. 1954 йилнинг февралида республика фирка ташкилотида 11127927 аъзо ва 138861 номзод бор эди.
Бу йилларда хам республикада “фирка хукмронлиги” давом этиб шўроларга касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотига унинг рахбарлиги янада кучайди. Шундай бўлсада, жумхириятдаижтимоий ташкилотлар  фаолиятида ташаббускорлик, жонбозлик давом этди.
1957 йилнинг охирида Ўзбекистонда бир бутунликка миллиондан кўпрок касаба  уюшма аъзолари бўлиб улар 12 митнгта бошлагич касаба уюшмаларида бирлашган эди. Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан 1958 йилда Республикада ихтирочилар республика жамияти ташкил этилди ва у Ўзбекистонда халк хўжалигини ривожлантиришга хизмат кила бошлади. Урушдан кейинги 5 йилликларда республика ёшларнинг ижтимоий хаёт сохаларидаги хиссаси катта бўлди. Чунончи ёшлар бригадаларидан 1148 таси ва республиканинг ишчи ёшларидан 80 минг киши 1947 йилда 4-5 йиллик топширикларни муддатидан олдин бажариш учун юриш эълон килиб, беш йилликнинг икки йили режасини муддатидан илгари бажардилар. Ёшлар иттифоки бошлик  бригадалар иктисодий тежамкорлик давлат маблагларини тежаш харакатини бошкардилар чунончи Тошкент электр кабель заводининг ёшлар ташкилоти мўлжалланган тадбирлани амалга ошириши натижасида заводнинг 130 минг сум маблаги тежалди. 1949  йилда Ўзбекистон ёшлар ташкилоти сифатида 280 минг аъзо бор эди. Улар кўпгина ватанпарвкарлик ташаббуси билан чикиб Ангрен курилишларда Мирза чўл ва марказий Фаргона ерларини ўзлаштиришда фаол катнашдалилар. Улар тинчлик ва дўстлик учун кураш байроги остида Прагада 1947, Бухаресда 1953 йил Москвада 1957 йил ўтказилган халкаро ёшлар фестивалида иштирок этдилар. 1951 йилда Кахон тинчлик кенгаши Берлин сессиясининг “Беш буюк давлат ўртасида тинчлик ахднома ( битим ) тузиш тўгрисидаги  мурожоатига имзо” тўплаш харакати кенг авж олиб келди Республика мехнаткашларидан 887311 киши бу хужжатга имзо чекди. 1995 йилда Ўзбекистон жахон тинчлик кенгашининг ядро

уриши хавфига карши мурожатига 4 023 826 киши кўл кўйди. Республикада тинчлик учун атом уриши хавфининг олдини олиш учун мавзуда кўп минг кишилик митинглар йигилишлар ўтказилди. Сухбатлар телевизион кўрсатувлар ташкил этилди. Бирок урушдан кейинги йилларда "фирка хукмронлиги" нинг мустахкамлиги унинг бош рўлини ўйнаш борасидаги фаолияти африм фирка ва давлат рахбарларининг нокониуний хатти харакатлари бошка минтакалардан бўлганидек республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий хаётда хам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.
Режага асосан республикада саноат ишлаб чикариш 89 фоизга, кишлок хўжалик махсулотларини эса 52 фоизга кўпайтириш кўзда тутилган эди. Биринчи навбатда саноатнинг химия, электроэнергетика, кишлок хўжалик машинасозлиги, кон саноати (биринчи кайта ишлаш сохасини) тармокларини ривожлантиришга катта эътибор берилган эди. Кишлок хўжалиги сохасида эса асосан пахтачиликни ривожлантиришга эътибор каратилган эди.
Режада республика вилоятлари хўжаликларидаги устивор тармоклар хам белгилаб берилган эди. Жумладан Фаргона водийсида пахтачилик Тошкент вилоятида кўпрок пахтачилик сабзавотчилик, чорвачилик, кўмир, рангли металлургия, химия, энергетика сохаларини. Бухоро вилоятида пахтачилик, коракўлчилик ва пиллачиликни ривожлантиришга кўпрок эътибор берилган эди.
Режага асосан Ўзбекистонда капитал курилиш учун 3.900 млн. Сўм ажратилган эди. Бу вазифаларни бажаришда кадрларнинг молиявий ресурсларнинг, техника асбоб-ускунвлрининг етишмаслиги каби кийинчиликлар мавжуд эди.
1946-1950 йиллар мабойнида республикамизда 150 та йирик саноат корхоналари куриб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоклари кора ва рангли металлургия, станоксозлик вужудга келди. Иккита йирик "Чирчикмсельмаш" ва "Ўзбексельмаш" машинасозлик заводалари курилиб ишга туширилди. 1950 йилда 1946 йилга нисбатан машинасозлик 19 баробар ўсди, табиий газ олиш 3 баробар ўсди, электроэнергия 480 млн.дан 2.665 млн.квт соатга етди, енгил ва тўкималик саноати 128.7 фоизга кўпайди.
Беш йил ичида республика жами саноат махсулоти 183 фоизга ортди. Кўкон шахар заводининг Украинага кўчирилиши муносабати билан шакар ва спирт ишлаб чикариш бажарилмаган эди. Химия, уй-жой курилиши сохалари бўйича хам капитални ўзлаштириш бўйича белгиланган режалар бажарилмади. Бирок бу беш йилликда иттифок микёсидаги корхоналарнинг махсулти 4.8 баробар кўпайган холда, республика бошкарувида бўлган махаллий саноат атиги 8 % га ўсди холос. Ўтган беш йил ичида кишлок хўжалик сохасида хам кисман, ривожлвниш содир бўлди. Режа бўйича 1953 йил охирига бориб республикада пахта етиштириш 2 миллион 139 минг тоннага етказилиб, 1940 йилга нисбатан 54 % га кўпайтириш мўлжалланган эди. Шу максадда Богдод ва Хоразм коллекторлари, Шеробод, Шимолий ва катта Тошкент каналлари хамда Каттакўргон, Ўрта тўкай сув омборлари куриб ишга тугирилди. Кишлок хўжалик ходимларига 9 мингдан ортик трактор ва кишлок хўжалик асбоб ускуналари етказиб берилди.
Республикада 30 центнерчилик харакатида минглаб пахтакорлар катнашдилар. Бу харакатда Замира Муталова,Мехринисо Убайдуллаева кабилар мехнатда катта жасорат кўрсатдилар. Пахтачилик 1947 йилда 1940 й даражасига етиб, 1950 йилда давлатга 2.116 минг тонна пахта сотилди. Хосилдорлик гектаридан 14.7 центнердан (1940 й) 21.1 центнерга (1950 й) етди. Шу билан бирга пахта якка хокимлиги, пахтачилик механизациялаштириш ва химиялаштириш харакати кучайди. 1948 йилда пахта териш

машиналари ишлаб чикарилгач, гўза баргини тўкишда бутифос ва меркаптопос кўлланила бошлади.
Чорвачилик сохасида бажариб бўлмайдиган ноаник режалар кабул килинган эдики, натижада бу вазифалар бажарилмади.
Ипакчилик сохасида эса 1940 йилдаги 685.4 тонна ўрнига 1950 йилда тонна пилла давлатга сотилиб, катта ютукка эришилди.
Кишлок хўжалигида моддий-техника базасининг ишлаб чикарувчилар моддий манфаатдорлик даражасининг пастлиги, пахта якка хокимлигининг кучайиши каби муаммолар мавжуд эди.
1951-1955 йилларга мўлжалланган биринчи беш йилликда ялпи саноат махсулоти ишлаб чикаришини 54 фоизга, ялпи кишлок хўжалик махсулотини 50 % ўстириш, пўлат ишлаб чикариш 80 фоизга, прокат ишлаб чикариш 70 фоизга кўпайтириш мўлжалланди.  Халк хўжалигига сарф килинган маблаг олдинги беш йилликдагига нисбатан икки баробардан кўпрок бўлди. Самарканд суперфасфат заводи, Олтин топган кўргошин-калай комбинати, Тошкент чини заводи, Чирчик шиша заводи, Куйибўзсув, 2 та Наманган ГЭСлари, Андижон ГРЭСлари ишга туширилди. Электр энергияси ишлаб чикариш 1950 йилдаги 2,682 млн.квт.соатдан 1955 йилда 3,880 млн.квт.с га етди. Кўмир казиб олиш 70 фоизга, машинасозлик икки баробар, минерал ўгитларни ишлаб чикариш 81 фоизга, тўкимачилик саноати 15 фоизга ўсди. 50 йилларнинг охирларида 1300 дан ортик фабрика ва заводларни бирлаштирган саноатнинг 70 тармоги мавжуд эди. Бирок бешинчи беш йиллик режанинг бажарилиш якунларини тахлил киладиган бўлса бу даврда саноат махсулотининг йиллик ўсиш даражаси кескин камайиб борди. Олдинги муаммоларнинг биронтаси хам хал килинмади.
1. Энергетика сохаси бошка тармокларининг ривожланишидан оркада колмокда эди.
2. Йилдан йилга капитал курилиши бўйича режалар бажарилмай колаверди.
3. .Нефт конларини кидириб топиш ишларининг кискариши туфайли нефтни казиб олимш пасайди.
4. Енгил саноатнинг 25 фоиз корхоналар махсулот ишлаб чикариш бўйича кўрсаткичларни бажармадилар.
5. Мехнат унумдорлигининг ўсиш даражаси пасайиб борди. Режалар асосан халк хўжалигини жадал ривожлантириш хисобига бажарилди.  Беш йил ичида халк хўжалигига капитал маблаг сарфлаш 2.3 баробар кўпайишига карамай, ялпи саноат махсулоти зўрга 1.6 баробар мехнат унумдорлиги эса 1.2 баробарга ўсди. Бу далиллардан кўриниб турибдики капитал маблагларни сарфлаш кутилган самарадорликни бермади.
6. Республикада ишлаб чикарувчи кучларни жойлаштириш нотекис эди. Масалан 1955 йилда ялпи саноат махсулот ишлаб чикаришда Тошкент вилоятининг хиссаси 39.8 фоиз бўлгани холда Сурхандарё вилояти хиссаси эса 1.7 фоизга тўгри келди.
1954 йилнинг февралида собик хукмрон фирка марказкомининг ва Собик иттифок хукумати “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўгрисида” карор кабул килиниб, унда сув хўжалигини яхшилаш, пахта етиштиришни механизациялаштириш, кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. 1958 йилда МТСлар кайта курилиб, кўплаб машина ва тракторлар колхозларга сотилди. 1953-1955 йилларда 130 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Тракторларнинг сони кишлок хўжалигида 33.5 мингдан (1951 йил) 46.8 мингтага (1955 й) етиб, 40 фоизга кўпайди. МТСлардаги пахта териш машиналарининг сони 3.3 мингдан 15.1 мингга етди. Беш йил

ичида давлатга 12 716.1 минг тонна пахта сотилган бўлсада 1951-1956 йилларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмади.
1959-1965 йилларни ўз ичига олган етти йиллик режа кўрсатмалари бўйича 1965 йилда 1958 йилга нисбатан миллий даромад 62-65 фоизга, кишлок хўжалиги махсулоти 70 % га кўпайиши керак эди. Капитал курилиш юзасидан 164 та йирик саноат корхоналари курилиб ишга тушурилиши режалаштирилган эди. Ишчи ва хизматчиларнинг фидокорона мехнати туфайлигина 1965 йилда 1959 йилга нисбатан ялпи саноат махсулоти 1.8 баробарга ўсди. Ижтимоий ишлаб чикаришда энергетика, химия, машинасозлик, рангли металлургиянинг салмоги 18-28 фоизга кўпайди. Газ казиб олиш 1958 йилги 126 млн.куб.м.дан 1965 йили 16.475 млн.куб.м га етди. Бухоро Урал магистрал кувури курилиб ишга туширилди. Етти йилликда Ўзбекистон махсулотларининг (марказ оркали) чет мамлакатларига экспорти 54 фоизга ўсди. 1963 йилга келиб, Ўзбекистонда 1400 колхоз ва 182 савхоз фаолият кўрсатаётган эди. Карши, Шеробод, Аму Бухоро магистрал каналлари курилиб ишга туширилди янги ерлар ўзлаштира бошланди.
Кишлок хўжалигини механизациялаш сохасида хам маълум ишлар килинди. 1964 йилда колхоз ва совхозларга 64 минг трактор 16.4 минг пахта териш машиналари, 59.6 минг култиваторлар сотилди. Етти йилликда механизатор кадрларга эътибор кўрсатилиб 96 минг тракторчи тайёрланди. Шу йилларда Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, М.Умрзоков каби механизаторларнинг номи машхур эди.
Юкоридаги кўрсаткичларга карамай корхоналарнинг самарадорлик даражаси паст эди. Кишлок хўжалиги бўйича етти йиллик вазифалар бажарлмади. Саноатдаги ишлаб чикарилган махсулотларнинг сифати жахон андозаларидан оркада кола бошлади. Пахта якка хокимлиги  кучайди Орол муаммоси бошланди. Халк хўжалигининг жадал тарзда ривожланиш имкониятлари тугаб бормокда эди. Етти йилликда бошланган иктисодий ислохатлар охирига етказилмади. Бунинг устига 70-80 йилларда халк хўжалиги рахбарлик килишдаги маъмурий буйрукбозлик янада кучайди. Кўшиб ёзиш бюрократизм, субеъктивизм иллатлари кенг ёйила бошлади. 70-80 йилларда кишлок хўжалиги ривожланиш даражасининг пасайиб боришини куйидаги кўрсаткичлардан хам кўриш мумкин.
Бундай тасвирлаш холатларини 80 йиллар ўрталарига келиб, бутун собик иттифокда бўлганидек республика халк хўжалиги тараккиётида хам бир жойда депсиниб колиш холатларини вужудга келтирди.

**Пахта якка хокимлиги ва унинг окибатлари**
Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника коидаларининг бузилиши туфайли ернинг хосилдорлиги пасайиб кетди. Хосилдорликни ошириш учун экин майдонларида хаддан ташкари ортикча минерал Ўгитларидан фойдаланиш окибатида бу ерлар маълум бир вактдан кейин батамом яроксиз холга келиб колди. Кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратсиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув  хавзаларининг курилиши натижасида Орол денгизи аста-секин курий бошлади ва XX асрнинг энг йирик Орол фожиаси вужудга келди.

**Ижтимоий хаёт**
Урушдан кейинги 1946-1950 йилларда халк хўжалигининг харбий издан тинч курилиш йўлига ўтказилиши маълум даражада имтимоий сохадаги масалаларини хал килиш

имкониятларини бера бошлади. 1947 йили озик овкатга бўлган карточка тизими бекор килиниб, чакана савдонинг тикланишига эришилди. Шу йили пул ислохати хам ўтказилди.

Халк таълимини кайта тиклашга эътибор каратилди. 1945-1946 ўкув йилларида республикада 4483 та мактаб бўлган бўлса, 1950 йилда уларнинг сони 5005 тага етди. Ўкувчиларнинг сони хам 912040 кишидан 1 265 485 кишига кўпайди. Малакали муаллимлар тайёрлашга эътибор каратилиб, 1950 йилда 48 237 муаллим ишлай бошлади. Олий таълимни ривожлантириш сохасида хам сезиларли ишлар килиниб, 1945 йилдаги 33 та ўрнига. 1950 йилда 37 та олий ўкув юртлари фаолият кўрсата бошлади. Талабаларнинг сони 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 3 баравар кўпайиб 21 190 тага етди.
Шу йиллар мабойнида ўрта махсус ихтисослашган теникумлар 71 тадан 91 тага етди. Ўкитувчиларнинг сони эса 2037 тадан 40370 тага кўпайди, шифокорларнинг сони деярли 2 баробар ўсган бўлса-да республика ахолисига тиббий хизмат кўрсатиш коникарсиз ахволда эди. 80-50 йиллар мабойнида Республикамизнинг ижтимоий иктисодий ва маданий хаётида маълум даражада ўзгаришлар содир бўлди.
1956 йилда телевиденияниниг ватани бўлган Тошкентда телемарказнинг ишга туширилиши Ўзбекистон хаётида мухим вокеа бўлди.
Шу йилларда мехнаткашларнинг турмуш шароити хам кисман яхшиланди. Ахолига савдо хизматини яхшилаш максадида савдо тармоклари кенгайтирилди.
Мехнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласида хам бир катор ишлар килинди. Тошкентда йирик Чилонзор турар жой массиви кад кўтарди. Нукус, Чирчик, Навоий, Олмалик, Самарканд, Фаргона, Ангрен каби шахарларда янги турар жой мавзелари барпо этилди. Бирок Ангер каби шахарларда янги турар жой мавзелари барпо этилди. Бирок бу курилишларнинг ўсиш даражаси ахолининг ўсиш даражасидан оркада колмлкда эди. Курилган иморатларнинг сифат даражаси хам паст эди. Републиka ахолисини уй жой билан таъминлаш масаласи хал килинмай колаверди.
Ахолига тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш профлактика муасссалари ва медицина ходимларини кўпайтириш бўйича хам ишлар олиб борилди. 1986 йилда 895 даволаш профлактика муассаларидан 35 мингдан ортик медицина ходимлари мехнаткашларга тиббий хизмат кўрсата бошладилар. 1989 йилда шифокорларнинг сони 68.5 мингга етиб жумхуриятимизнинг хар 10 минг ахолисига 33.8 шифокор ва 101.7 тиббиёт хамшираси тўгри келди. Шунга карамай жумхуриятимиз рак, ошкозон-ичак, сарик каби юкумли касалликлар бўйича иттифокда етакчи ўринларни эгаллар эдилар. Тугилаётган хар 5 боладан биттаси гўдаклигидаёк хайтдан кўз юмар эди.
Жумхуриятимизнинг собик Иттифок хом ашё базасига айланганлиги, пахта якка хокимлиги, экологик ахволнинг тобора ёмонлашиб бориши, ахолининг турмуш даражасига таъсир этмай колмасди. Республика ахоли турмуши кай даражадалигини куйидаги ахоли жон бошига озик-овкат махсулотларини истеъмол килиш кўрсаткичларида кўриш мумкин.

**XX аср 80 йилларида Ўзбекистон хаёти зиддиятлар ва муаммолар**
1970- 1980 йилларга келиб собик иттифокнинг иктисодий ижтимоий хаётида, ривожида салбий холатлар юзага келганлигини кузатиш мумкин бўлади.
Ривожланишда бир жойда депсиниб колиш даври бошланган бўлиб, бу йиллар тарихда тургунлик йиллар деган ном олди. Натижада барча республикалар катори бизнинг

жумхуриятимизда иктисодий ижтимоий ривожланиш секинлашди, ички муаммоларни субъектив ва валюнтаритив тарзда хал этилиши зиддиятларни янада кучайтирди ва тенгликка олиб кела бошлади. Унинг асосий сабаблари куйидагилар эди.
1. Бутун иттифок сингари республикамизда хам маъмурий буйрукбозлик бошкарувининг кучайиши ва тоталитар тузимнинг ўрнатилганлиги.
2. Халк хўжалигини бошкаришнинг ўта марказлаштирилши ва жумхуриятлар манфаатларининг хисобга олинмаганлиги.
3. 60-йилларнинг ўрталарига келиб халк хўжалиги баракасиз ривожланиш имкониятларининг тугаганлигини хисобга олиб унинг жадал ривожланиш даврига ўтказилмаганлиги.
4. Республикамизнинг иттифок хом-ашё базасига айланиб колиши ва пахта якка хокимлигининг ўрнатилиши.
5. Ижтимоий масалаларга колдик тамойили асосида каратилиши.
6. Табиатга нисбатан нотўгри муносабатда бўлмаганлиги.

**Маънавий сохада**
1. Дин ва диндорларга нисбатан зўровонлик сиёсатининг олиб борилиши.
2. Умуинсоний кадрятларни тан олмаслик.
3. Ижодкор зиёлиларга тор синфий нуктаи назардан каралиши ва улар ижодининг бўгиб кўйилиши.
4. Бошка халкларнинг маънавий кадрятларини менсимасли.
5. Миллий масалини хал килишда тор синфий нуктаи назардан каралиб, байналминаллашувни синфий тарзда тезлаштиришга харакат килиш каби номакул фаолият.
Бу зикр этилган сабаблар эса республикамиз тараккиётига, халкимиз рухиятига хам таъсир этмай колмайди.
Шунга карамай 50-80 йиллардаги республикамиз тарихининг ижодкори ўзбек халки бўлди. Бу халк тарих синовларидан жасорат билан ўтиб, фидокорона мехнати оркали ўзининг моддий ва маънавий бойлигини кўпайтира олди.
Биргина депсиниш холати мамлакат иктисодиётининг издан чикишига олиб келди. Бу даврда асосан маблагларни сарфлаш эвазига баракасиз йўлдан зўрма зўраки ривожлантирилган мамлакат халк хўжалиги амалда ривожланмади. Мамлакатнинг ўша вактдаги рахбарлари Л.И.Брежнев (1964-1982 й ноябригача), Ю.В.Андрапов (1982 й. Ноябрь, 1983 й. Февраль)  К.У Черненко (1983 й. Март, 1984 й. Март) иктисодий ижтимоий ва сиёсий сохаларда ўз ечимини кутаётган муаммоларга этибор бермадилар.
Шуни таъкидлаш жоизки, Собик иттифок аввал бошдан сохта курама эди. Ўнта республикалар мажбуран бирлашган эдилар. Шунинг учун хам улар ўз халки миллий давлатчилиги кадрятлари, хохиш иродаси инобатга олинмаган бу иттифокдан бутунлай норози эдилар. Аммо ундан чикиш мураккаб эди.  Гарчи собик иттифок кониститутциясида бундай коида мавжуд бўлса-да кучли марказ армия давлат хавфсизлиги кўмитаси каби асосий кучлар бу иттифокнинг таянч нукталари эди.